


**Ўзбекистон Республикаси**  
**Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги**

**60311000 – Социология бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари**

**Тошкент**



### **ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:**

- Ўзбекистон Миллий университети.

### **ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 202\_ йил «24» 08 даги 04 - сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 202\_ йил «25» 08 даги 365 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

### **ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаблари “Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабларини расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

## МУНДАРИЖА

Т/р		бет
1.	60311000 - Социология бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи .....	4
1.1.	Қўлланиш соҳаси .....	4
1.1.1.	60311000 - Социология таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши.....	4
1.1.2.	Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....	4
1.2.	60311000 - Социология таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи .....	4
1.2.1.	60311000 - Социология таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари.....	4
1.2.2.	60311000 - Социология таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари.....	5
1.2.3.	60311000 - Социология таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари.....	5
1.2.4.	60311000 - Социология таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.....	5
2.	60311000 - Социология таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар.....	7
2.1.	Умумий компетенциялар.....	7
2.2.	Касбий компетенциялар.....	7
	Библиографик маълумотлар.....	8
	Келишув вараги .....	9

## **1. 60311000 – Социология бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи**

**60311000 – Социология** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш кундузги, кечки ва сиртқи таълим шаклларида амалга оширилади. Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Кундузги таълимда бакалавриат дастурининг меъёрий муддати 4 йил.

### **1.1. Қўлланиш соҳаси**

**1.1.1. 60311000 – Социология** таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши.

Малака талаби **60311000 – Социология** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

#### **1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:**

- мазкур таълим йўналиш бўйича малака талаблари, ўқув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;

- таълим йўналишининг ўқув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;

- бакалавриат битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;

- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;

- олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;

- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;

- олий таълим ташкилотларига ўқишга кираётган абитуриентлар, уларнинг ота-оналари ва бошқа манфаатдор шахслар.

**1.2. 60311000 – Социология** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи

**1.2.1. 60311000 – Социология** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:

**60311000 – Социология** жамият ижтимоий ҳаёти, унинг социал структураси, шунингдек, уни ташкил этувчи таркибий қисмларнинг фаолияти, турли социал воқеалар, жараёнлар ҳамда кишиларнинг социал хулқ-атвори қонуниятларини бутун бир ижтимоий мураккаб тизим сифатида қамраб олиб, ўзининг конкрет эмпирик методлари асосида уларни назарий ва амалий жиҳатларда тадқиқ этади. Мазкур йўналиш жамоатчилик фикрини ўрганиш марказлари, оммавий ахборот воситалари, давлат ҳокимият органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, сиёсий партиялар, маркетинг ва консалтинг хизмат кўрсатиш, ижтимоий таъминот, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, таълимининг давлат ва нодавлат муассасаларида йўналишга доир масалаларни ечиш мажмуини қамраб олади.

Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.

**1.2.2. 60311000 – Социология таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:**

– жамият ва уни ташкил этувчи ижтимоий тизимлар, шахс, социал жамоа, синф ва гуруҳлар, ижтимоий институт ва ташкилотлар; социал стратификация (табақаланиш) ва социал мобиллик жараёнлари; социал ҳаракат, муносабат ва алоқалар; оммавий ва социал коммуникациялар; ижтимоий бошқарув; ижтимоий хизмат ва консалтинг; доимий ва экстремал социал ҳодисалар ва жараёнлар; жамиятдаги ижтимоий меъёрлар ва кишилар социал хулқ-атвори; жамоатчилик фикрини ўрганиш тизими; ижтимоий қонун ва қонуниятларни натижадорлигини ошириш жараёнлари.

*Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият объектларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.*

**1.2.3. 60311000 – Социология таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари**

- *илмий-тадқиқот;*
- *ишлаб чиқариш-амалий;*
- *ташкилий-бошқарув;*
- *лойиҳавий;*
- *маънавий-маърифий;*
- *турли хизматлар кўрсатиш ва шу кабиларни ўз ичига олади.*

Таълим йўналиши бўйича тайёрланган бакалаврлар касбий фаолиятларининг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аниқланади.

**1.2.4. 60311000 – Социология таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.**

60311000 – Социология таълим йўналиши бўйича Миллий малака рамкасининг 6-малака даражаси ҳамда бакалавр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ бакалаврият битирувчиси қуйидаги касбий вазифаларни бажаришга кодир болиши лозим:

**Илмий-тадқиқот фаолиятида:**

–Илмий соҳада намунавий методикалар асосида илмий-тадқиқотларни олиб бориши, уларнинг натижаларини қайта ишлаб, улар асосида илмий асосланган хулосаларини илгари сура олиш;

–фундаментал ва амалий социологик тадқиқотларни тайёрлаш ва ўтказишда тадқиқот дастурини тузиш, бирламчи маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш босқичларида иштирок этиш;

–замонавий информацион технологиялар, ҳисоблаш техникаси воситалари, коммуникация ва алоқаларни қўллаш асосида кенг туркумдаги манбаларни жалб қилиш орқали ижтимоий, демографик, иқтисодий ва бошқа эмпирик маълумотларни қайта ишлаш;

–шарҳ ва аннотациялар тайёрлашда қатнашиш;

–социологик тадқиқотлар ҳамда социологик назарияларнинг тушунтирувчи имкониятларидан фойдаланган ҳолда бошқа эмпирик маълумотларни интерпретация қилиш;

–тадқиқот ишлари натижалари бўйича ҳисоботлар, аналитик маълумотнома, касбга оид нашрлар, информацион маълумотлар тайёрлашда иштирок этиш;

–тадқиқот натижаларини тақдим этиш, ўтказилган тадқиқот мавзуси бўйича хабарлар ва маърузалар билан турли илмий доираларда қатнашиш ва илмий мақолалар чоп этиш *қобилиятларига эга бўлиши лозим.*

### **Ишлаб чиқариш-амалий фаолиятда:**

–ижтимоий ва иқтисодий ислохотларнинг натижа ва оқибатларини баҳолаш, социал экспертиза;

–ҳокимият ва бошқарув органларида, таълим, фан, маданият, соғлиқни сақлаш муассасаларида ҳамда социал коммуникациялар ва касбий фаолиятнинг бошқа соҳаларида маърифий, информацион ва консултатив иш;

–ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида маълумотларни таҳлил қилиш бўйича аналитик иш;

–ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида тадқиқотларни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича консултатив ва сервис иши;

–корхона, ташкилот, муассаса, тармоқ соҳа ва ҳудудларни ижтимоий ривожлантириш бўйича дастурлар ишлаб чиқиш ва уларни муваффақиятли амалга ошириш мақсадида тадқиқотларнинг меъёрий-методик ва маълумотлар базасини таъминлаш;

–ижтимоий гуруҳларнинг эҳтиёж ва манфаатларини аниқлаш, уларнинг бир-бирлари ва ижтимоий жамоалар (меҳнат жамоаси, ҳудудий жамоа)нинг ривожининг ижтимоий-иқтисодий устувор йўналишлари билан ўзаро келишув механизмларини таклиф этиш;

–корхона, ташкилот ва муассасаларда ижтимоий характерга эга бўлган долзарб муаммоларни ўрганиш;

–ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга йўналтирилган чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;

–корхона ва ташкилотларда меҳнатни ташкил этишни такомиллаштириш, меҳнат фаолияти шароитларини яхшилаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

–корхона ва ташкилотларда кадрлар, ишловчиларнинг касбий малакавий ва демографик таркибининг ўзгаришини таҳлил қилиш;

–ижтимоий масалаларни ҳал қилиш бўйича корхона, муассаса ва ташкилот бошқарув органлари ходимларига маслаҳат бериш, социологик ёндашувларни қўллаш *қобилиятларига эга бўлиши лозим.*

### **Ташкилий-бошқарув фаолиятида:**

–ижтимоий соҳаларни мониторингини таъминлайдиган маълумотлар базасини шакллантириш ва таҳлил қилиш, унга бошқарув таъсир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда бошқарув таъсир самарасини баҳолаш, шу билан бирга маълумотлар манбаларини уларнинг зарурийлиги, етарлилиги ва ишончилигини баҳолаш мақсадида аудит қилиш;

–ҳокимият ва бошқарув, маҳаллий ўзини ўзи бошқарув органларида, ташкилот ва муассасаларнинг маъмурий-бошқарув бўлинмаларида бошқарув жараёнларини ташкил этишда иштирок этиш;

–илмий консултатсия ва экспертиза, маълумот алмашинувлари масалалари бўйича илмий-тадқиқот муассасалари ва информацион-аналитик хизматлар билан алоқаларни ташкил этиш ҳамда таъминлашда иштирок этиш *қобилиятларига эга бўлиши лозим.*

### **Лойихавий фаолиятда:**

–жорий ва даврий кўрсаткичлар нисбати таҳлили ва зарур ресурсларни ҳисобга олган ҳолда уни оптималлаштириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, лойихавий фаолиятнинг мониторинги учун маълумотлар базасини яратиш;

–тадқиқот, аналитик ва консалтинг лойиха фаолиятини амалга ошириш учун методик инструментарийлар, меъёрий ҳужжатлар, информацион маълумотлар ишлаб чиқишда қатнашиш;

–ижтимоий кўрсаткичлар, жараён ва муносабатларни диагностика қилиш, баҳолаш, такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар ташкил этиш ва ўтказишда иштирок этиш;

–жамоатчилик фикрини ўрганиш бўйича лойихалар ишлаб чиқиш, уларни амалга ошириш, тадқиқот натижаларини тарқатишда иштирок этиш;

– турли мақсадли аудиториялар учун маркетинг тадқиқотларни илмий-методик, техник ва инфор­мацион жиҳатдан таъминлаш, маркетинг хизматлар учун тавсиялар ишлаб чиқишда иштирок этиш *қобилиятларига эга бўлиши лозим.*

**Маънавий-маърифий фаолиятида:**

– ташкилот, корхона, муассаса ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш ташкилотларининг таклиф ва талаблари асосида соҳага тегишли маърифий тадбирларини ташкил этиш;

– маҳаллий матбуот, илмий-оммабоп телерадио эшиттириш, кўрсатувларда соҳага тегишли материаллар билан иштирок этиш қобилиятларига эга бўлиши лозим.

**Турли хизматлар кўрсатиш фаолиятида:**

– пуллик таълим хизматларини ташкил этиш ва амалга ошириш;

– социология соҳаси мутахассисликлари бўйича мавжуд ҳолатнинг таҳлилий шарҳини ишлаб чиқиш;

– муассаса, ташкилотларда ва корхоналарда социологик хизматни ташкил этиш ва уни амалга ошириш;

– социологик хизмат кўрсатиш бўйича лойиҳавий ва дастурий ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

– социология соҳасига тегишли магистр тайёрлаш ихтисослигига мос бўлган илмий лойиҳаларни экспертиза қилиш бўйича эксперт гуруҳларида иштирокчи сифатида қатнашиш; ихтисосликка мос мавзу бўйича консалтинг хизматларини кўрсатиш *қобилиятларига эга бўлиши лозим.*

**2. 60311000 – Социология таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

**2.1. Умумий компетенциялар:**

- давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий-иқтисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиш;

- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, табиий илмий фанлар бўйича касбий фаолияти доирасида зарурий билимларга эга бўлиши ҳамда улардан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиш;

- ахборот технологияларини касбий фаолиятида қўллай билиши, ахборотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиш;

- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;

- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида тасаввурга эга бўлиш.

**2.2. Касбий компетенциялар:**

- меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни излаш, таҳлил қилиш ва улардан касбий фаолиятида фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиш;

- ташкилий тузилмаларни оптималлаштириш, кадрларни бошқариш стратегиясини қўллаш, тадбирларни режалаштириш ва амалга ошириш кўникмаларига эга бўлиш;

- музокаралар, учрашувлар, ишбилармонлик ёзишмаларини олиб бориш ва онлайн алоқаларни амалга оширишни билиш;

- дунёқараш тавсифидаги билимлар тизимини эгаллаши;

- ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлиш;

- табиат ва жамиятда юз бераётган жараёнлар ва ҳодисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиш, табиат ва жамият ривожланиши ҳақида билимларга эга бўлиш,

улардан ижтимоий ҳаётда ва касбий фаолиятда замонавий илмий асосларда фойдалана олиш;

- инсонлар орасидаги жамиятга, атроф-муҳитга бўлган муносабатини тартибга солувчи ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрларни касбий фаолиятда ҳисобга олиш;

- ахборотни тўплаш, таҳлил қилиш, сақлаш, уларга ишлов бериш ва унумли фойдаланиш методларини эгаллаш, ўзининг касбий фаолиятида асосли мустақил фикрлаш ва керакли қарорлар қабул қила олиш;

- бакалавриятнинг мос йўналиши бўйича рақобатбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиш;

- янги билимларни мустақил ўзлаштира олиш, ўзини такомиллаштириши ва ўз меҳнатини илмий асосда ташкил қила олиш;

- ташкилот ва муассасаларда социологик тадқиқотлар методларини аниқлаш ва тадқиқот олиб бориш;

- социологик тадқиқотлар метадологияси, методи ва техникаси;

- тадқиқотдан олинган маълумотларни таҳлил қилиш, синтезлаш ва оптималлаштириш ва янги замонавий ахборот тизими методларини қўллаш;

- компьютер технологиялари ва дастурлаш;

- техник эксплуатацияси ва тамойилларини тузиш ҳамда лойиҳалаш;

- билимлар инженерияси;

- тизимли ёндашув механизмларини тадбиқ этиш;

- дастурий таъминот, ахборот-коммуникация технологияси ва инженерияси;

- инсон ва жамият ўзаро муносабатларини рационаллаштириш учун тадбиқ этиш усуллари.

## Библиографик маълумотлар

УДК 002:651.1/7

Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

### Таянч сўзлар:

касбий фаолият тури, компетенция, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият соҳаси, бакалавриятнинг асосий ўқув режа ва фан дастурлари, профиль, уқиб-ўрганиш натижалари, ўқув даври менежмент, тармоқлар ва соҳалар, малака талаблари, бакалавриятнинг ўқув жараёни, сифатни баҳолаш ва назорати, мустақил таълим, ишлаб чиқариш, ташкилий-бошқарув фаолияти, малака амалиёти, битирув малакавий иши, давлат аттестацияси, ўқув фанлари блоки, олий таълим муассасаси, таълим жараёни, бошқарув жараёни, ишлаб чиқариш, лойиҳалаш, илмий тадқиқот жараёни.



КЕЛИШУВ ВАРАҒИ

ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ:

Ўзбекистон Миллий университети

Ректор И.Маджидов

2021 йил « 09 » 08

М.Ў.

КЕЛИШИЛДИ:

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим  
вазирлиги ҳузуридаги Олий  
таълимни ривожлантириш  
тадқиқотлари ва илғор  
технологияларни татбиқ этиш  
маркази

Директор М.Эсонов

2021 йил « 25 » 08

М.Ў.

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги  
Наманган Давлат Университети

Ректор С. Тургунов

2021 йил « 25 » 08

Ўзбекистон нодавлат иттиҳорат  
ташкilotлари миллий  
ассоциацияси

Раис К.Ишанходжаев

2021 йил « 22 » 08

М.Ў.

“Ижтимоий фикр” Республика жамоатчилик  
фикрини ўрганиш маркази

Директор Н.Рахимова

2021 йил « 22 » 08

М.Ў.



Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетидида тайёрланган 60311000 - Социология бакалавриат таълим йўналиши ва 70311001 - Социология (йўналишлар бўйича) ҳамда 70311002 - Ижтимоий тизим ва жараёнларнинг ахборот ва психологик хавфсизлиги магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режаларига

### ТАҚРИЗ

60311000 - Социология бакалавриат таълим йўналиши ва 70311001 - Социология (йўналишлар бўйича) ҳамда 70311002 - Ижтимоий тизим ва жараёнларнинг ахборот ва психологик хавфсизлиги магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режалари ижтимоий-гуманитар фанлар соҳасидаги ижтимоий соҳанинг долзарб муаммоларини ҳал этишга қаратилган эмпирик тадқиқотлар ўтказиш бўйича статистик маълумотлар билан ишлаш бўйича ва олинган маълумотларни таҳлил қилиш бўйича тайёрланадиган кадрларни бозор конъюктурасига мос равишда рақобатбардош кўринишга эга бўлган ижтимоий соҳа мутахассисларни тайёрлашга қаратилган меъёрий ҳужжат хисобланади.

Бугунги кунда республикамизнинг барча тизимларида базавий олий маълумотли малакали ижтимоий сўровлар ўтказувчи ва уларни таҳлилни амалга оширувчи мутахассисларни етишмаслиги, мамлакатимизнинг шу охириги йилларда кечираётган ташвишли эпидемиологик ва табиий техноген муаммолар устида олиб борган ишлари юзасидан ўз аксини кўрсатганлиги бунга яққол намуна бўла олади. Ўзбекистонда ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш бўйича шакллантирилган йўл хариталарида келтириб ўтилган чора тадбирларда айнан ижтимоий сўровлар кўламини оширишни талаб этмоқда. Бу эса ўз навбатида мазкур мутахассислар тайёрлашдаги таълим стандартларини янада такомиллаштиришни тақазо этмоқда. Тақриз этилаётган 60311000 - Социология бакалавриат таълим йўналиши ва 70311001 - Социология (йўналишлар бўйича) ҳамда 70311002 - Ижтимоий тизим ва жараёнларнинг ахборот ва психологик хавфсизлиги магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режалари таркибига социолог мутахассисларини тайёрлаш учун зарур бўлган билим ва малакаларни қамраб олувчи фанлар киритилган.

60311000 - Социология бакалавриат таълим йўналиши ва 70311001 - Социология (йўналишлар бўйича) ҳамда 70311002 - Ижтимоий тизим ва жараёнларнинг ахборот ва психологик хавфсизлиги магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режаларининг мазмунини ва таркибини таҳлил этиш, уни ишлаб чиқишда жаҳоннинг етакчи олий таълим муассасалари социология соҳасида кадрларни тайёрлашни бой тажрибаси ўрганилганлиги ва мамлакатимизда мутасадди истеъмолчи, буюртмачи ташкилотларни шу соҳада кадрларга бўлган ўсиб ва ўзгариб бораётган талаблари эътиборга олинган.

60311000 - Социология бакалавриат таълим йўналиши ва 70311001 - Социология (йўналишлар бўйича) ҳамда 70311002 - Ижтимоий тизим ва жараёнларнинг ахборот ва психологик хавфсизлиги магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режалари бугунги кунда олий таълим соҳасини ислоҳ этиш устувор йўналишлари ва талабларига жавоб беради ҳамда тасдиқлашга тавсия этиш мумкин.

Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари  
миллий ассоциацияси раиси



К.Ишанходжаев



**60311000 - Социология бакалавриат таълим йўналиши бўйича таълим дастурининг тузилиши**

<b>Т.р.</b>		<b>Фанлар блоклари ва блокларининг номлари</b>	<b>Умумий юкламаннинг ҳажми соатларда</b>
<b>1.00</b>		<b>Мажбурий фанлар</b>	<b>5220</b>
1.01	OMTB205	Олий математика	150
1.02	UYTB104	Ўзбекистоннинг энг янги тарихи	120
1.03	FALB204	Фалсафа	120
1.04	URTB104	Ўзбек (рус) тили	120
1.05	XJTB106	Хорижий тил	180
1.06	UTSB203	Ўзбек тилини соҳада қўлланилиши	90
1.07	JTSB102	Жисмоний тарбия ва спорт	60
1.08	RATB206	Рақамли ва ахборот технологиялари	180
1.09	JFSB304	Жамоатчилик фикри социологияси	120
1.10	UMSB120	Умумий социология	600
1.11	STAB113	Социология тарихи	390
1.12	OGSB107	Оила ва гендер социологияси	210
1.13	SDSB106	Шахс социологияси ва девиант хулқ-атвор	180
1.14	IJSB204	Ижтимоий статистика	120
1.15	TSOB204	Ташкилотлар социологияси	120
1.16	STMB221	Социологик тадқиқотлар методологияси, методи ва техникаси	630
1.17	MBSB211	Меҳнат ва бандлик социологияси	330
1.18	MASB204	Маданият социологияси	120
1.19	MQIB306	Маълумотларни қайта ишлаш ва таҳлил қилиш	180
1.20	HUSB407	Хуқуқ социологияси.	210
1.21	IJAB105	Ижтимоий антропология	150
1.22	SXMB307	Сиёсий ва халқаро муносабатлар социологияси	210
1.23	HASB308	Ҳарбий социология	240
1.24	TISB307	Тиббиёт социологияси	210
1.25	DISB406	Дин социологияси	180
<b>2.00</b>		<b>Танлов фанлар</b>	<b>960</b>
		<b>Жами</b>	<b>6180</b>
		<b>Малакавий амалиёт</b>	<b>570</b>
		<b>Яқуний давлат аттестацияси</b>	<b>450</b>
		<b>Аттестация</b>	
		<b>Жами</b>	<b>1020</b>
		<b>Ҳаммаси</b>	<b>7200</b>

Ўқув ишлари бўйича проректор

Ш.Тошматов

**60311000 – Социология бакалаврият таълим йўналиши бўйича малака талабининг халқаро миқёсидаги бошқа таълим йўналишлари малака талаблари билан қиёсий таққослаш**

**Бакалавриатурада таълим жараёнининг умумий кўрсаткичлари**

№	Таълим жараёни	Ўзбекистон Республикаси (бакалавриатура)	Россия (бакалавриатура)	АҚШ (бакалавриатура)
1.	Бошланиши	Ўрта мактабни, академик лицей ва касб-хунар колледжларидан сўнг	Ўрта мактабни битиргандан сўнг	Ўрта мактабни битиргандан сўнг
2.	Давомийлиги	4 йил	4 йил	4 йил
3.	Таълим олувчилар сони	20-25	20	20
4.	Ўтиш жойлари	Таълим муассасаларининг илмий тадқиқот бўлимларида, илмий тадқиқот институтларида, илмий муассасалар ва ўқув юртларининг тадқиқот бўлимларида ўтказилади.	Университетга хомийлик қиладиган институтларда	Университет кафедрасида талабаларнинг йўналиши ва илмий тадқиқот мавзуларига тааллуқли бўлган институтларда
5.	Таълим берувчилар	Университетда фаолият юритаётган профессор-ўқитувчилар	Университетда фаолият юритаётган илмий унвонга эга бўлган малакали ўқитувчилар ва хорижий мутахассисларни жалб этилади	Университетда фаолият юритаётган илмий унвонига эга бўлган соҳа мутахассислари ва хорижий мутахассисларни жалб этилади
6.	Таълим жараёнини кузатиш ва назорат қилиш	Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги, ДТМ, кафедра мудирлари, бириктирилган бошқа профессор-ўқитувчилар	Факультет раҳбарияти ва тегишли кафедра мудирлари ва ўқитувчилар	Факультет деканати, кафедра мудирлари, профессор ўқитувчи ўзига беркитилган талабалар билан индивидуаль тарзда фаолият юритади

**Бакалавриатурада таълим жараёнининг таркиби**

№	Таълим жараёни	Ўзбекистон Республикаси (бакалавриатура)	Россия (бакалавриатура)	АҚШ (бакалавриатура)
1.	Назарий таълим	Кафедрадаги ўқитувчилар томонидан назарий билимлар талабаларга берилади	Асосан талабалар ўзларининг йўналишлари бўйича профессор-ўқитувчиларнинг маърузаларига қаради.	Асосий қисми факультетда маъруза курслари кўринишида ўтказилади.
2.	Амалий таълим	Таълим муассасасида,	Университет кафедралари қошидаги махсус лабораторияларда.	Таълим муассасасида ва Университет кафедралари қошидаги махсус лабораторияларда Университет

				кафедралари қошидаги махсус лабораторияларда
3.	Илмий –тадқиқот ишлари	Бакалавриатурада таълим олувчилар танлаган мавзуси бўйича битирув малакавий ишини асосан кафедра шaroитида амалга оширади. Кафедра ёки бошқа кафедра профессор-ўқитувчилари (маслаҳатчи) илмий раҳбар этиб тайинланади. Илмий изланиш давомида илмий маколалар, тезислар ёзиш, республика ва халқаро илмий анжуманларда иштрок этиш ва маъруза қилиш билан шуғулланадилар.	Илмий иш бўйича кафедра ёки ўзининг мавзуси бўйича бошқа мутахассис билан турли институтларда оширилади. Бакалавриатурада ўқиш жараёнида илмий раҳбар танланади.	Кафедра профессор-ўқитувчилари раҳбарлигида, илмий дастурлар доирасида тадқиқот ишлари амалга оширилади. Илмий иш давомида рефератлар тақдим қилиши, конференцияларда иштрок қилиши ва илмий иш мавзуси бўйича журналга мақола ёзиши мумкин.
4.	Мустақил таълим	Талабалар назарий машғулотлар, амалий кўникмалар ва илмий ишлари бўйича асосий база ва бошқа таълим муассасаларида яратилган шaroитлардан (таркатма материаллар, кутубхона, интернет тармоғи ва бошқа) фойдаланган ҳолда ўз билимларини оширишлари мумкин.	Талабалар турли мавзуларда мустақил изланадилар ва семестрлар якунида хулосаларини профессор-ўқитувчиларга тақдим этадилар (мақола, тақдимот)	Талабалар мустақил таълимда журналларга камида 2-3 мақола ёзадилар. Мослаштирилган барча шарт-шaroитлардан кенг фойдаланишлари мумкин.
5.	Таълим жараёнида баҳолаш	Талабаларнинг назарий ва амалий кўникмалар, илмий-тадқиқот ишлари бўйича билимларини баҳолаш бакалавриатура рейтинг тизими асосида жорий, оралик , якуний баҳо кўринишида ва ҳар ярим йиллик ва йиллик аттестация кўринишида амалга оширилади. Якуний давлат имтихон саволлари оғзаки, ёзма, тест кўринишида ва амалий кўникмаларни намойиш этиш кўринишида талаб қилинади.	Семестрлар давомида асосий фанлардан белгиланган амалий, семинар машғулотлари орқали кредит йиғиб борадилар.	Талабаларнинг жорий билими, компетенцияси ва ўзлаштириши оралик тест саволлари орқали, билимларни даврий оғзаки кўринишида текшириш, циклар бўйича ҳар ярим йилда ёзма тест кўринишида амалга оширилади.

### Бакалавриатурада таълим жараёнинг мазмуни ва давомийлиги

№	Ўзбекистон Миллий университети (Ўзбекистон)	Сеул Миллий университети (Ж.Корея) Seul National University (S.Korea)	Мюнхен университети (Германия) LMU-Munich Universit (Germany)	Кэмбридж университети (Буюк Британия) Cambridge University (UK)	Нью Йорк университети (АҚШ) New York University (USA)	Бристол университети (Буюк Британия) University of Bristol (UK)	Оксфорд университети (Буюк Британия) University of Oxford	Москва Давлат университети (Россия)
	Бакалавр социология	Бакалавр социология	Бакалавр социология	Бакалавр социология	Бакалавр социология	Бакалавр социология	Бакалавр социология	Бакалавр социология
	<a href="http://www.nuu.uz">www.nuu.uz</a>	<a href="http://www.useoul.edu">www.useoul.edu</a>	<a href="http://www.uni-muenchen.de">www.uni-muenchen.de</a>	<a href="http://www.cam.ac.uk">www.cam.ac.uk</a>	<a href="http://www.nyu.edu">www.nyu.edu</a>	<a href="http://www.bristol.ac.uk">www.bristol.ac.uk</a>	<a href="http://www.ox.ac.uk">www.ox.ac.uk</a>	<a href="https://www.msu.ru">https://www.msu.ru</a>
1.	Умумий социология	-	-	-	-	-	What does philosophy means	Введения в социологию
2.	Социология тарихи	1.History of Koren Sociology 2.History of Industrial sociology	Introduction to sociology/Sociolo gical Teory	Introduction to sociology	Sociological Theory	Introduction to sociology/Sociologic al Teory	Sociological Theory	История Социология
3.	Оила ва гендер социологияси	Sociology of family	-	Sociology of family	Sociology of family	-	-	Социология семьи и брачных отношений
4.	Шахс ва девиант хулк-атвор социологияси	-	-	-	-	-	-	-
5.	Ижтимоий статистика	Statistics and statistical analyses	Statistics and statistical analyses	-	-	Statistics and statistical analyses	Statistics and statistical analyses	Социальная статистика
6.	Ташкилотлар социологияси	Sociology of management	Die Ethik der deutschen klassischen Philosophie	1.Early modern moral philosophy 2.Metaethics 3.Theories of good	1.Ethics and the Environment 2.Classic aesthetics	-	-	Социология организации
7.	Социологик тадқиқотларнинг методологияси, методи ва техникаси	Sociological Research Methods	Empirical sociology	Empirical sociology	Sociological Research Methods	Sociological Research Methods	Sociological Research Methods	Методология, методы и техника социологических исследований
8.	Меҳнат ва бандлик социологияси	-	Sociology of labor	Sociology of labor	Industrial of sociology	Sociology of labor markets	-	Социология труда
9.	Маданият социологияси	Social anthropology	Social anthropology	Cultural anthropology	Cultural anthropology	Social anthropology	Cultural anthropology	Социальная антропология

10.	Социологик маълумотларни қайта ишлаш ва таҳлил қилиш усуллари	SPSS Statistics Programs	SPSS Statistics Programs	-	SPSS Statistics Programs	-	SPSS Statistics Programs	Обработка и анализ социологических данных
11.	Хуқук социологияси	-	Sociology of law and sociological jurisprudence	-	Sociology of law	-	Sociological jurisprudence	Юридическая социология
12.	Ижтимоий антропология	Philosophy of Language	-	-	Rhetoric	Oratory	-	-
13.	Сиёсий ва халқаро муносабатлар социологияси	Political sociology	-	Political sociology	Political sociology	Political sociology	-	Политическая социология
14.	Ҳарбий социология	-	-	-	-	-	-	Военная социология
15.	Тиббиёт социологияси	-	-	-	-	-	-	Социология медицины
16.	Дин социологияси	-	Philosophy of law	Political philosophy	Political philosophy	-	-	-
	Танлов фанлари	subjects of choice	subjects of choice	subjects of choice	subjects of choice	subjects of choice	subjects of choice	Предметы по выбору

**Изоҳ:** Социология бакалавр таълим йўналиши бирламчи манбаларга суянган ҳолда, инновацион ва фундаментал тадқиқотлар олиб бориш, соҳанинг назарий ва амалий муаммоларини билиш, ҳозирги кунда жуда долзарб йўналиш бўлиб, доимий изланишни, таҳлил қилиш ва мукамаллаштиришни талаб қилмоқда. Юқоридаги маълумотларга асосан шунини айтиш мумкинки, мамлакатимизда яратилаётган “Социология” таълим йўналиши малака талаблари жаҳон андозаларига мос равишда бўлиб, бошқа мамлакатларнинг таълим дастурларига ўхшаш томонлари ҳамда ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради.